



Ш. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг умумий ҳажми 18 217,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,8 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар– 17 739,1 млрд. сўмни (103,7 %), ўрмон хўжалиги – 429,0 млрд. сўмни (102,7 %), балиқ хўжалиги – 49,3 млрд. сўмни (125,5 %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таркибида Андижон вилоятининг улуши 10,1 % ни ташкил этди.




Шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Жалақудуқ (2 007,2 млрд. сўм) ва Асака (1 809 млрд. сўм) туманларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Ҳонобод шаҳри (116,9 млрд. сўм), Андижон шаҳри (524,7 млрд. сўм) ва Улуғнор туманини (653,8 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 17 663,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 11 367,8 млрд. сўмни (104,3 %), чорвачилик маҳсулотлари 6 295,7 млрд. сўмни (102,4 %) ташкил қилди.



**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик
ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши, % да**




**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, % да**



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 69,3 фоизи – дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига, 29,0 фоизи – фермер хўжалиқларига, 1,7 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши, % да



2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжалиқларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Улуғнор туманида (43,8 %), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларининг энг юқори улуши Хонобод шаҳрида (100,0 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Хўжаобод туманида (4,4 %) қайд этилди.

Фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Олтинкўл туманида (20,4 %), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларининг энг кам улуши Улуғнор туманида (54,1 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Балиқчи туманида (0,3 %) қайд этилди.




Дехқончилик


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 11 367,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 64,4 % ни ташкил қилди.

Донли экинлар


Ҳажми, минг т.



Ўсиш суръати



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар






Андижон вилояти бўйича
донли экинлар етиштириш туман ва шаҳар
кесимида ҳажми, *минг т.*




Сабзавотлар


Ҳажми, тонна



Ўсиш суръати



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 158 341 т. сабзавотлар (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,1 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 79,2 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.




Андижон вилояти бўйича
сабзавотлар етиштириш туман ва шаҳар
кесимида ҳажми, тонна




Картошка


Ҳажми, минг т.



Ўсиш суръати



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 229,3 минг тонна картошка (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,8 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Картошка маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, картошка маҳсулоти умумий ҳажмидан 71,1 % ни дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.




Андижон вилояти бўйича
картошка етиштириш туман ва шаҳар
кесимида ҳажми, *минг т.*



Полиз



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 84,8 минг т. полиз (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Полиз маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, полиз маҳсулоти умумий ҳажмидан 62,9 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.




Андижон вилояти бўйича
полиз етиштириш туман ва шаҳар кесимида
ҳажми, тонна




Мевалар ва резаворлар


Ҳажми, тонна



Ўсиш суръати



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 417,5 минг т. мевалар ва резаворлар (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 7,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Мева ва резаворлар маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, мева ва резаворлар маҳсулоти умумий ҳажмидан 72,0 фоизи деhqон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.




Андижон вилояти бўйича
мевалар ва резаворлар етиштириш туман
ва шаҳар кесимида ҳажми, тонна



Узум



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 57 186 тонна узум (2019 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 8 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Узум маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, узум маҳсулоти умумий ҳажмидан 50,9 % ни деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



Андижон вилояти бўйича
узум етиштириш туман ва шаҳар кесимида
ҳажми, тонна



Чорвачилик




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6 295,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 35,6 % ни ташкил этди.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 116,4 минг т. гўшт (2019 йилнинг январь–сентябрга нисбатан 3,6 % га кўп), 622,3 минг т. сут (1,0 % га кўп), 411,3 млн. дона тухум (3,7 % га кўп), ва 4 440,0 т. балиқ (115,9 % га кўп) овланди.

Гўшт (тирик вазнда)



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар





2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 116,4 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 3,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил этилганда, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 92,3 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш зарур.




**Андижон вилояти бўйича
гўшт (тирик вазнда) етиштириш туман
ва шаҳар кесимида ҳажми, тонна**



Сут



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 622,3 минг т. сут (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 95,0 % ни дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.




**Андижон вилояти бўйича
ишлаб чиқарилган туман ва шаҳар
кесимида **сут** ҳажми, тонна**



Тухум



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (%)




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 411,3 млн.дона тухум (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 3,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 74,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.




**Андижон вилояти бўйича
олинган тухум туман ва шаҳарлар кесимида
ҳажми, млн.дона**



Балиқ




*Ишлаб чиқарилган
маҳсулотнинг хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши*




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 4 440 тонна (2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 15,9 % га кўп) балиқ овланди. Овланган балиқлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, овланган балиқ умумий ҳажмидан 57,0 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини таъкидлаш лозим.



**Андижон вилояти бўйича
овланган балиқ туман ва шаҳар кесимида
ҳажми, тонна**



Чорва моллари ва паррандалар бош сони




2020 йининг 1 октябрь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига, 94,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 4,8 фоизи фермер хўжаликларига, 94,6 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, отлар умумий сонидан 16,6 фоизи фермер хўжаликларига, 81,5 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,9 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади шунингдек, паррандалар умумий сонидан 13,5 фоизи фермер хўжаликларига, 71,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 14,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.


2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1 053,1 минг тани ташкил этди.

2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 4,6 мингтага (0,6 %) кўпайди.

Йирик шохли қорамоллар



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (%)




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами йирик шохли қорамолларнинг 94,8 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида тўғри келиши кузатилди.




Андижон вилояти бўйича йирик шохли
қорамолларнинг туман ва шаҳар кесимида
умумий бош сони, минг бош




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, сигирларнинг умумий бош сони 362,1 минг тага етди. 2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар бош сони – 2,0 минг тага (0,6 %) кўпайди.

Сигирлар




Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, сигирлар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами сигирларнинг 94,2 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.




**Андижон вилояти бўйича
сигирларнинг туман ва шаҳар кесимида
умумий бош сони, *минг бош***




2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 1 443,5 мингтага етди. 2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар бош сони – 12,6 мингтага (0,9 %) кўпайди.

Қўй ва эчкилар



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қўй ва эчкилар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, қўй ва эчкиларнинг 94,6 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.




**Андижон вилояти бўйича
қўй ва эчкиларнинг туман ва шаҳар
кесимида умумий бош сони,
минг бош**




2020 йилнинг 1 октябрь кўра, отларнинг умумий бош сони 6 684 тага етди. 2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда отлар бош сони – 78 тага (1,2 %) кўпайди.

Отлар



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, отлар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами отларнинг 81,5 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.




**Андижон вилояти бўйича
отларнинг туман ва шаҳар кесимида
умумий бош сони, бош**




2020 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, паррандаларнинг умумий бош сони 7 760 мингтага етди. 2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар бош сони – 428,5 мингтага (5,8 %) кўпайди.

Паррандалар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, % да



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, паррандалар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, паррандаларнинг 71,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



Андижон вилояти бўйича
паррандаларнинг туман ва шаҳар кесимида
умумий бош сони, *минг бош*

